

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari

Son 1/S. Jild 4.

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/1 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Сайдалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Файбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехruz Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдулаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна - педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашурновна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна - педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Мұхәйё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Хайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна - психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;
Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;
Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Fayziyev O'rinboy Toshmuhammad o'g'li</i>	
О'ЗБЕКИСТОНДА АЛОХИДА ТА'LIM ЕHTIYOJIGA EGA BO'LGAN INSONLARNI IJTIMOIY HIMOYALASH SOHASIDAGI ISLOHOTLAR	9-16
<i>Эсонов Зиёдбек Юлдашевич</i>	
ФАРГОНА ВОДИЙСИ МИНГ ЎЗБЕК УРУҒИ МАНБАЛАРИ ТАРИХИДАН	17-22
<i>Rajapov Mardonbek Qosimboy o'g'li</i>	
AFRIG'IYLAR SULOLASI TARIXINING TURK TILLI TADQIQOTLARDA YORITILISHI	23-26
<i>Исмоилова Нигорахон Усмонжановна</i>	
НАЛИВКИН И ЕГО СВЕДЕНИЯ О ТУЗЕМНОЙ ЖЕНЩИНЕ	27-34
<i>Мирхакимова Феруза Холдоржон кизи</i>	
ВЗГЛЯД В ИСТОРИЮ МЕМОРИАЛЬНОГО МУЗЕЯ САДРИДДИН АЙНИ	35-40

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Zhao Rong</i>	
RESEARCH ON THE CONSTRUCTION OF CORE CURRICULUM STANDARDS FOR CROSS-BORDER E-COMMERCE MAJORS BASED ON HIGHER VOCATIONAL EDUCATION IN INNER MONGOLIA	41-48
<i>Husanboyev Sadafbek Yorqinjon o'g'li</i>	
FARG'ONA VILOYATIDA AGROTURIZM FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA RESURS SALOHIYATINI BAHOLASH	49-58
<i>Malikova Gulhayo Turdali qizi</i>	
TIJORAT BANKLARDA INVESTITSION FAOLIYAT TAHLILI	59-64
<i>Maxmudov Anvarjon</i>	
SOLIQ HUQUQBUZARLIKLARINI TARKIBI, SHAKLLANISH MANBALARI VA ULARNI IQTISODIY MOHIYATI	65-75
<i>Мухитдинов Аҳрор</i>	
РАҲАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ЯГОНА МАРКАЗЛАШГАН ДИСПЕЧЕРЛИК ХИЗМАТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ	76-82
<i>Jurayev Xusan Atamuratovich</i>	
KORXONANI MOLIYAVIY SOG'LOMLASHTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	83-89
<i>Butunov Shaymardan Berdiyarovich</i>	
NOANIQLIK ORQALI HARAKAT QILISH: IQTISODIY BEQARORLIK SHAROITIDA MOLIYAVIY TAHLIL	90-96
<i>Islomova Mohlaroyim Inomjon qizi, Ortiqova So'g'diyona Abdusodiq qizi, Abdurahimova Zulhumor Azimjon qizi</i>	
TURIZM XIZMATLAR SOHASIDA RAQAMLI TEXNALOGIYALARNI QO'LLASH	97-103
<i>Содиков Анвар</i>	
ЎЗБЕКИСТОН ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ КЎП ОМИЛЛИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАР АСОСИДА БАҲОЛАШ ВА МУҶОБИЛ СЦЕНАРИЙЛАРИНИ АНИҚЛАШ...	104-116

<i>Norov Asror Egamberdiyevich, Fazliddinov Shohruh Shamsiddinovich</i>	
O'ZBEKISTONDA DOKTORANTURA FAOLIYATI YO'LGA QO'YILGAN OLIY TA'LIM VA ILMIY TADQIQOT MUASSASALARI	117-122

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Эшонкулова Нуржакон Абдужабборовна</i>	
ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТЛАРИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ: ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ	123-130
<i>Khalilova Shakhlo Abdurashitovna</i>	
IBN SINA AND HIS CONTRIBUTION TO SPIRITUAL AND MORAL EDUCATION: RETHINKING THE HERITAGE OF EASTERN THINKERS	131-136

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Saidov Hakim G'ofurovich</i>	
VATANPARVARLIK VA MILLIY G'URURNING FALSAFIY KATEGORIAL NEGIZLARI	137-141
<i>Jabborov Jamshid Azimovich</i>	
MA'NAVIY EHTIYOJLAR JAMIYAT MA'NAVIY HAYOTINING TARKIBIY QISMI SIFATIDA	142-148
<i>Соатов Ғайрат</i>	
БАЙРАМЛАР – МИЛЛАТНИНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТИ	149-156
<i>Raxmatova Xolidaxon Xolikovna</i>	
NAQSHBANDIYLAR EHTIROMIGA SAZOVOR BUYUK ZOT	157-161
<i>Wang XiaoYu</i>	
AN ANALYSIS OF THE MYTHICAL PATTERNS IN ULYSSES FROM THE PERSPECTIVE OF ARCHETYPE THEORY	162-170
<i>Mamadkulova Kamila Abdukhalikovna</i>	
FEATURES OF 19th CENTURY LITERATURE: ROMANTICISM AND REALISM	171-175
<i>Aripova Saodat Taxirovna</i>	
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KONCHILIK LEKSIK BIRLIKALARINING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSUYATLARI	176-181
<i>Xudoyqulov Behzod Abbosovich</i>	
ITALYAN TILDAGI FRAZEOLOGIK IBORALAR TARJIMASI VA ULARNING O'ZBEK TILDAGI EKVIVALENTLARI	182-187
<i>Mavlonova Gulnora Abdig'ani qizi</i>	
ADABIYOTDA QO'LLANILGAN EVFEMIZMLAR (ROMAN VA SHE'RIYAT) MISOLLAR BILAN	188-192
<i>Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Izzatilloyeva Sevinch Nusratilloyevna</i>	
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA "YAXSHILIK" KONSEPTINI IFODALOVCHI MAQOLLARNING MILLIY-MADANIY XUSUSUYATLARI	193-197
<i>Djurayeva Orzigel Gafurovna</i>	
QAXXOR BAXSHI RAHIMOV IJODINING O'RGANILISHI	198-204
<i>Gafarova Shahnoza Hayrullayevna</i>	
TIL VA TA'LIM: MUAMMO VA YECHIMLAR	205-209

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

- Исломқурова Шоҳсанам Ваҳобжон қизи
ВРАЧНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУФУРТА ҚИЛИШНИ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ОМИЛЛАРИ ВА ЗАРУРИЯТИ 210-215

Sarvinoz Sunnatillaeva

- PROCEDURAL CHALLENGES IN THE REGULATION OF ABUSE OF DOMINANT POSITION IN
UZBEKISTAN 216-222

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Soliyev Ibodulloxon Ismatullayevich

- FACTORS AFFECTING THE EFFICIENCY OF REFORMS IN THE MANAGEMENT SYSTEM OF
HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS 223-233

Shokirov Po'lat

- TALABALARGA ATLETIK GIMNASTIKA MASHG'ULOTLARINI JOZIBADORLIGINI OSHIRISHING
USLUBIY ASOSLARI 234-238

Begmatova Dilnoza Muxtarovna

- JAHON MIQYOSDA TA'LIM JARAYONI SUBYEKTLARIDA MADANIY IMMUNITETNI
SHAKLLANTIRISH TENDENSIYALARI 239-243

To'rayev Panji To'xtayevich

- MILLIY KURASH MASHG'ULOTLARIDA UMUMIY JISMONIY TAYYORGARLIKNI TASHKIL
ETISH VA SHAKLLANTIRISH 244-248

- Axmedova Nafisa Isaxodjayevna, Azamatov Abdullo Isaxo'ja o'g'li, Lutfullina Rumiya Anvarovna
OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA JISMONIY TARBIYA VA SPORT FAKULTETLARI TALABALARI
UCHUN ANTIDOPING QOIDABUZARLIKLARINING OLDINI OLISH MEXANIZMINI
YARATISH 249-256

Egamberdiyev Javlonbek

- TA'LIM MUASASSALARIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNI TASHKIL QILISH VA UNING
ILMIY-USLUBIY ASOSLARI 257-260

Kenjaboev Abdisalim Erkaboevich

- ZAMONAVIY TA'LIM- TARBIYA JARAYONIDA PEDAGOGIK RAHBARNING
KOMPETENTLIGI 261-265

Содиков Анвар

Ўзбекистон Миллий университети
мустақил изланувчиси

**ЎЗБЕКИСТОН ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ КҮП ОМИЛЛИ
ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАР АСОСИДА БАҲОЛАШ ВА МУҶОБИЛ СЦЕНАРИЙЛАРИНИ
АНИҚЛАШ**

Аннотация. Мақолада мамлакат экспорт салоҳияти күп омилли эконометрик моделлар асосида баҳоланган ва муҷобил сценарийлари аниқланган. Экспорт салоҳияти тушунчасига маҳаллий ва хорижлик иқтисодчи-олимларнинг илмий қарашлари тадқиқ этилган. Кўплаб таҳлил усулларидан фойдаланиб, экспорт салоҳиятига таъсир кўрсатувчи эндоген ва экзоген омиллар аниқланган ҳамда муҷобил сценарийли прогнозлар ишлаб чиқилган. Экспорт салоҳиятининг истиқбол кўрсатичларига эришиш учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар таклиф этилган.

Таянч сўзлар: ташқи савдо айланмаси, экспорт салоҳияти, экспорт ҳажми, кичик бизнеснинг экспортдаги улуши, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, асосий ҳамкор мамлакатлар.

Sadikov Anvar

Independent applicant of the National University of Uzbekistan

**ASSESSMENT AND DETERMINATION OF ALTERNATIVE SCENARIOS FOR FORECASTING
THE EXPORT POTENTIAL OF UZBEKISTAN BASED ON MULTIFACTOR ECONOMETRIC
MODELS**

Abstract. The article evaluates and identifies alternative scenarios for forecasting the country's export potential based on multifactor econometric models. The scientific views of local and foreign economists on the concept of "export potential" are explored. Endogenous and exogenous factors influencing export potential were identified using many analysis methods, and alternative forecasting scenarios were developed. The implementation of the necessary measures to achieve the forecast indicators of export potential is proposed.

Key words: foreign trade turnover, export potential, export volume, share of small business exports in total exports, investments in fixed capital, main partner countries.

Садиков Анвар

Самостоятельный соискатель
Национального университета Узбекистан

**ОЦЕНКА И ОПРЕДЕЛЕНИЕ АЛЬТЕРНАТИВНЫХ СЦЕНАРИЕВ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ
ЭКСПОРТНОГО ПОТЕНЦИАЛА УЗБЕКИСТАН НА ОСНОВЕ МНОГОФАКТОРНЫХ
ЭКОНОМЕТРИЧЕСКИХ МОДЕЛЕЙ**

Аннотация. В статье оценены и определены альтернативных сценариев прогнозирования экспортного потенциала страны на основе многофакторных эконометрических моделей. Исследованы научные взгляды местных и иностранных ученых-экономистов на понятию "экспортного потенциала". Определены эндогенные и экзогенные факторы, влияющие на экспортного потенциала с использованием

многих методов анализа, а также выработаны альтернативных сценариев прогнозирования. Предложены осуществление необходимых мероприятий для достижения прогнозных показателей экспортного потенциала.

Ключевые слова: внешнеторговый оборот, экспортный потенциал, объём экспорта, доля экспорта малого бизнеса в общем объёме экспорта, инвестиции в основной капитал, основные страны-партнера.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI1Y2024N14>

Кириш. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида “Миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш ва унинг таркибида қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар улушкини кескин ошириш” вазифаси белгиланган. Жумладан, экспорт ҳажмини 2 баробар ошириш ва 45 млрд. долл.га етказиш, экспортчи корхоналар сонини 6,5 мингтадан 15 мингтага етказиш, экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баробар кўпайтириш, Европа давлатлариға GSP+ ва бошқа тизимлари доирасида тайёр ва технологик маҳсулотлар экспортини кенгайтириш каби вазифалар қўйилмоқда. Бундан ташқари, “Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти” ғояси асосида миллий брендларни хорижий бозорларга олиб чиқадиган экспортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган [1].

Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини белгиловчи макроиқтисодий кўрсаткичларидан бири мамлакатнинг ташқи дунё билан иқтисодий муносабатларини акс эттирувчи ташқи савдо айланмаси ҳисобланади. Ташқи савдо айланмаси мамлакатнинг ташқи дунё билан товар ва хизматларни айрбошлиш жараёнини ўзида акс эттириб, ушбу кўрсаткич мамлакат томонидан ташқи дунёдан харид қилаётган импорти ва ташқи дунёга сотаётган экспорти йиғиндисидан ташкил топади.

Ташқи савдо айланмаси таркибидаги экспорт ҳамда импорт ҳажми ва ушбу кўрсаткичларнинг таркибий таҳлили мамлакатнинг қай даражада ривожланиб бораётганлигини, унинг ташқи дунёга қарамлиги ёки иқтисодий мустақиллик даражаси юқори эканлигини кўрсата олади. Мамлакатларнинг экспорт даражаси ҳамда унинг таркибини ўрганиш асосида алоҳида мамлакатнинг жойлашган минтақасида ёки умуман, жаҳон мамлакатлари орасида қандай рақобат устунлуклариға эга эканлиги бўйича аниқ хуросалар ҳам олиш мумкин.

Жаҳон ҳамжамиятияга кундан-кун чуқур интеграциялашиб бораётган Ўзбекистон Республикаси ҳам ўзи жойлашган минтақада ҳамда жаҳон мамлакатлари орасида мустаҳкам ўрнига эга бўлиб бораётган мамлакатлар қаторига киради. Бугунги кунгача тараққиёти давомида мамлакатимиз ташқи иқтисодий муносабатлар доирасида яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан ташқи савдо алоқаларини барқарор ривожлантириб бормоқда. Мамлакатимиз ташқи савдо айланмасидаги экспорт ҳажми ва таркибининг кўп омилли таҳлили бугунги кунгача бўлган даврдаги ташқи дунё билан иқтисодий муносабатлардаги асосий ўзгариш тенденцияларини ҳамда келгуси даврдаги экспортда амалга оширилиши мумкин бўлган стратегик йўналишларни аниқлаш имконини беради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. “Экспорт салоҳияти” тушунчасининг таҳлилини олиб бориш ва минтақа доирасида унинг шаклланиши ва ривожланиши хусусиятларини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Борисов А.Б. экспорт салоҳиятини “давлатнинг мавжуд ёки улар томонидан ишлаб чиқариладиган ресурслар,

маҳсулотларни экспорт қилиш қобилияти” сифатида таърифлайди [2]. Бироқ янги иқтисодий ва ҳуқуқий луғатга кўра, Азрилияна А.Н. экспорт салоҳияти нафақат экспорт қилиш имкониятини кўзда тутади, балки “бутун миллий ишлаб чиқариш, саноат, алоҳида тармоқлар ёки корхоналарнинг рақобатбардош маҳсулотларни зарурый миқдорда ишлаб чиқариш қобилияти” сифатида таърифлайди [3].

Ю.А.Савинов ва А.Ю. Мигуновлар экспорт салоҳиятининг қуйидагича талқинини таклиф қиласидилар: “экспорт салоҳияти – бу миллий иқтисодиёт, унинг алоҳида секторлари, тармоқлари, корхона ва компанияларининг таққослама миллий устунликлардан (кўламли табиий ресурслар, қулай географик, инфратузилма ва бошқа омиллар, юқори меҳнат унумдорлиги ва б.) фойдаланиб, жаҳон бозорида рақобатбардош ҳамда илм-фан ва илмий-техника ютуқларига асосланган ҳолда янги рақобат устунликларига эга товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш қобилиятидир” [4].

Мамлакат ёки минтақа экспорт салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш самарадорлигини бошқариш хорижий бозорларда энг юқори мумкин бўлган натижага эришишга қаратилган макро-, мезо- ва микромуҳит вазифалари кўп бўғинли тизимини ўзида мужассамлаштиради. Мамлакат иқтисодиёти нуқтаи назаридан иқтисодчи А.А.Мальцев томонидан берилган таъриф экспорт салоҳияти тушунчасининг мазмунини янада аниқ ифодалайди. Ушбу ёндашувга мувофиқ, мамлакат экспорт салоҳияти ўз асосида мамлакат ички экспорт имкониятларининг миқдорий ўлчови ва хорижий бозор истеъмоли сиғимиға эга бўлган ҳолда унинг экспорт асоси таърифини ҳисобга олиб, баҳоланади[5]. Ўзбекистонлик тадқиқотчилар И.С.Хотамов, О.О.Рашидовалар томонидан экспорт салоҳиятини таҳлил қилиш ва прогнозлаш, экспорт салоҳиятининг диверсификацияси каби масалалар тадқиқ этилган [6].

Тадқиқотларда мамлакат экспорт салоҳиятига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш асосида умумий экспорти ҳажмини прогноз қилишга ҳам тегишли эътибор қаратилмоқда [7]. Муқобил сценарийларни аниқлаш имконини берувчи кўп омилли эконометрик моделларни шакллантириш услубиёти назарий ҳамда амалий жиҳатдан бугунги қунгача кўплаб тадқиқотчилар ҳамда олимлар томонидан ўрганилган.

Жараёнларнинг кўп омилли боғланишини ўзида акс эттирувчи ишлаб чиқариш функциялари фаолиятнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ҳажми, меҳнат ва капитал сарфи, фондлар қайтими, меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичлараро боғлиқликларни моделлаштиришда ўз аксини топади. Умумий ҳолда маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқариш функцияси кўринишидаги моделларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$N = f(F_1, F_2, F_3, \dots, F_n)$$

Бунда: N - яратилган маҳсулот (хизмат)лар ҳажми;

$F_1, F_2, F_3, \dots, F_n$ – фаолият натижасига, яъни натижавий омилга таъсир қилувчи омиллар.

Шундай қилиб, натижавий кўрсаткич ва унга таъсир қилувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи модель, яъни ишлаб чиқариш функциясини регрессия тенгламаси билан ифодалаш мумкин.

Иқтисодий-математик моделларни тузишда натижавий омил ва унга таъсир қиласидиган омиллараро чизиқли боғлиқлик мавжуд эканлиги таъкидланади. Бу фараз натижавий кўрсаткич ва омиллараро боғлиқликнинг пропорционал аниқ

коэффициенти ҳамда фаолиятга тўғридан-тўғри сарф коэффициенти билан белгиланади. Ишлаб чиқариш функцияси таҳлилида қўлланиладиган чизиқли дастурлаш моделларидаги ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)лар ҳажми билан ресурслар сарфи тўғри пропорционал кўринишда бўлади.

Амалий вазиятлар учун ишлаб чиқаришнинг чизиқли функцияларидан фойдаланиш амалда қўлланиладиган ва осон тузилишли математик моделларни қўллаш имконини беради. Иқтисодий ўсиш, хомашё ва асосий воситалар сарфи ўртасида чизиқли боғлиқлик мавжуд бўлса, меҳнат ва асосий фондлар сарфи ўртасидаги боғлиқликлар мураккаб чизиқли кўринишда бўлади.

Иқтисодий жараёнлар ўзгариши таҳлилиниң иқтисодий-математик моделларини тузиш ҳамда янги усувлардан фойдаланиш ўсиш ва унинг омиллари ўртасидаги боғлиқликларни чуқурроқ ва аниқроқ ўрганиб чиқишини таъминлайди.

Аниқ вазиятлар учун иқтисодий ўсиш функциясининг чизиқсиз кўриниши қўйидагича бўлади:

$$N = a_0 \cdot F_1^{a_1} \cdot F_2^{a_2} \cdot F_3^{a_3} \cdot \dots \cdot F_n^{a_n}$$

Бу функция ёрдамида ҳар бир омилнинг натижавий омилга таъсирини аниқлашимиз мумкин. Натижавий омилнинг ўзгариш тезлиги икки хил, ўсишнинг мутлақ тезлиги ва ўсишнинг нисбий тезлиги кўринишида бўлади.

Натижавий кўрсаткичнинг ҳар бир омили учун кўрсаткичнинг мутлақ ўсиш тезлиги ўсишнинг чизиқсиз кўринишидан бирор омил бўйича хусусий ҳосила олиш билан аниқланади. Масалан, биринчи омил учун:

$$\frac{\partial N}{\partial F_1} = a_0 \cdot a_1 \cdot F_1^{a_1-1} \cdot F_2^{a_2} \cdot F_3^{a_3} \cdot \dots \cdot F_n^{a_n}$$

Маълумки, натижавий омилнинг ўзгариши унинг барча омилларига тўғридан-тўғри боғлиқ. Омил бўйича олинган хусусий ҳосилалар нисбати мазкур омилларнинг ўрин алмашинуvida ўзига хос меъёрий кўрсаткич ҳисобланади.

Иқтисодий ўсиш моделларидаги натижавий омил ўзгаришининг абсолют тезлигидан ташқари, нисбий тезлиги ҳам катта иқтисодий аҳамиятга эга. Иқтисодий ўсиш моделларидаги натижавий омил ўзгаришининг нисбий тезлиги ўсишнинг бирон бир кўрсаткичи 1 фоизга ўзгарганда, натижавий омил кўрсаткичининг неча фоизга ўзгаришини кўрсатувчи миқдордир.

Кўрсатиб ўтилган иқтисодий-математик моделлаштириш усувлари ва улардаги ишлаб чиқариш функцияларини қўллашдан асосий мақсад – ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг мавжуд ресурслар шароитида оптимал фаолиятини тўғри ташкил этишдан иборат.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари кўп омилли таҳлилида юқорида кўриб чиқилган кўп омилли ишлаб чиқариш функциялари ва улардан келиб чиқадиган функциялардан кенг фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда умумий экспорт ҳажмининг кўп омилли боғланиши асосида ишлаб чиқариш функцияси кўринишидаги эконометрик моделларини аниқлаймиз. Аниқланадиган моделлар макродаражада экспорт умумий ҳажми ва унинг таркибий қисмлари ҳажмига таъсир этувчи омилларни бошқариш йўналишларини аниқлаш асосида ўрта ва узоқ муддатли давр учун мақсадли

прогноз кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда ушбу кўрсаткичларга эришиши учун зарур бўлган тадбирларни белгилашга ёрдам беради.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотнинг услубий асосини диалектиканинг асосий қоидалари ва тамойиллари ташкил этди. Мамлакат экспорт салоҳиятини прогноз қилиш муаммоларини ўрганишда ўзаро ҳамкорлик ва ташқи савдони эконометрик моделлаштириш услуби, яъни иқтисодий кўрсаткичлар бўйича маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш услугига таянилди. Маълумотлардан хулоса чиқаришда мантиқий таҳлил, синтез, умумлаштириш, индукция ва дедукция, **иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндошув усусларидан фойдаланилди.**

Таҳлил ва натижалар. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг таркибий қисми бўлган экспорт ҳажми ва унинг таркибий қисмларини кўп омилли таҳлили амалга оширилди.

Кўп омилли таҳлилни амалга оширишда омилларнинг муҳимлилик даражасини белгилаб олиш асосий вазифа ҳисобланиб, моделлаштиришнинг спецификация босқичи дейилади. Моделда иштирок этувчи омил кўрсаткичларини ажратиб олиш босқичи кўп омилли моделларни шакллантиришда асосий босқичлардан бири ҳисобланади. Ўрганилаётган жараённинг мазмунини, аниқроқ айтадиган бўлсак, натижавий кўрсаткичнинг ўзгаришига асосий таъсир қучига эга бўлган омилларни аниқ таҳлил методларидан фойдаланган ҳолда шакллантириб олиш талаб этилади.

Ушбу жараёнда кўплаб таҳлил методларидан фойдаланиш мумкин бўлиб, улар қаторига SWOT-таҳлил, PEST ёки PESTLE-таҳлил каби ўнлаб таҳлил методлари киритилади. Бироқ ушбу таҳлил методларининг барчаси таҳлил натижасида ўрганилаётган жараёни билан боғлиқ омил кўрсаткичлари бўйича аниқ математик кутилмага бориши ва ушбу математик кутилманинг миқдорий даражасига қараб таъсир этувчи омиллар ажратиб олиниши лозим.

Тадқиқотимиз жараёнида биз томонимиздан мамлакатнинг экспорт ҳажми ва унинг таркибини кўп омилли моделлар асосида таҳлил қилиш учун SWOT-таҳлил методи танлаб олинди. Бизга маълумки, SWOT-таҳлил ўрганилаётган жараён бўйича тадқиқот объективининг тўртта асосий жиҳати – қучли томонлари (STRENGTHS), заиф томонлари (WEAKNESSES), имкониятлар (OPPORTUNITIES) ва таҳдидлар (THREATS)га асосланиб, тадқиқот объективининг ушбу тўрт жиҳат бўйича ҳолатини баҳолаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг экспорти ҳажми ва таркибини омилли таҳлил қилиш жараёнида экспортнинг умумий ҳолати ҳамда мавжуд ҳолат ичидаги имкониятларни омилли таҳлил қилиш имконини берувчи қуйидаги З та асосий натижавий омилни омилли таҳлил учун таъсир этувчи эндоген омиллар сифатида танлаб олдик (1-жадвал):

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида экспорт ҳажми ва унинг таркибий қисмлари кўрсаткичларига таъсир этувчи омил кўрсаткичлари

Эндоген омиллар	Эгзоген омиллар
-----------------	-----------------

Экспортнинг умумий ҳажми	X11 - ички ва ташқи бозорлардаги ўртача нарх паритети (экспорт нархлари индекси)
	X12 – асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар
	X13 – кичик бизнеснинг экспортдаги улуши
	X14 – энг кўп экспорт йўналтирилган 5 та мамлакатнинг умумий экспортдаги улуши

*SWOT-таҳлил натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

1. Мамлакатнинг умумий экспорти ҳажми.

Танлаб олинган натижавий омилларга эгзоген омилларни ажратиб олиш учун SWOT-таҳлил матрицасининг ҳар бир бўлагига натижавий омилларнинг ўзгаришига таъсир этиши мумкин бўлган омиллар жойлаштирилиб, ҳар бир омилнинг эндоген омилга таъсир кучини 0-5 шкала оралиғида эксперталар хуносалари асосида белгилаб чиқилди. Ҳар бир эндоген омил учун алоҳида ўтказилган таҳлил натижалари ҳар уччала натижавий омилнинг ўзгаришига энг юқори таъсир кучига эга омиллар иқтисодий омиллар эканлиги аниқланди ҳамда ҳар бир натижавий омил учун эгзоген омиллар таъсир кучи даражаси кетма-кетлигида ажратиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси экспорти ҳажми ва унинг таркиби бўйича юқорида кўрсатиб ўтилган натижавий омиллар учун эгзоген омилларни ажратиб олиш SWOT-таҳлил асосида амалга оширилди. Ушбу таҳлил натижасига, асосан, ҳар уччала эндоген омилнинг ўзгаришига таъсир этувчи омил кўрсаткичлари ажратиб олинди.

Танлаб олинган таъсир этувчи омиллар уларнинг натижавий омил билан боғланиш даражаси бир қанча тест ва мезонлар (корреляция коэффициенти, Гренжер сабаб тести, кенгайтирилган Дикки-Фуллер тести ва Филлипс-Перрон тести) асосида текшириб кўрилди. Ажратиб олинган таъсир этувчи омиллар таъсири йиғиндиси умумий экспорт ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар умумий таъсирида 50 % дан ортиқроқ улушга эга ва ушбу омиллар экспорт умумий ҳажмининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Қўйидаги 2-жадвалда келтирилган мамлакатимизнинг умумий экспорт ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг 2001-2022 йиллар вақт оралиғидаги кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги очиқ маълумотлари тизимидан ажратиб олинди ҳамда ҳар бир натижавий ва унга таъсир этувчи омил кўрсаткичлари алоҳида жадвалларга туширилди. Ажратиб олинган статистик маълумотлар асосидаги кўп омилли моделга киритилган омил кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлик тестлари, шу билан бирга, тузилган моделларнинг сифати ҳамда прогноз кўрсаткичлари жадвалдаги кетма-кетлиқда аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Умумий экспорт ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омил кўрсаткичлари

Йиллар	Умумий экспорт ҳажми, минг	Ички ва ташқи бозорлардаги ўртача нарх паритети	Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми,	Кичик бизнеснинг экспортдаги улуши,	Энг кўп экспорт йўналтирилган 5 та мамлакатнинг умумий

	АҚШ доллари (Y)	(X₁₁)	млрд. сўм (X₁₂)	% (X₁₃)	экспортдаги улуши, % (X₁₄)
2001	2170422,40	1,10	1320,90	9,30	36,45
2002	2988419,70	1,11	1526,60	7,50	19,95
2003	3725011,60	1,14	1978,10	7,30	21,23
2004	4853025,20	1,13	2629,00	7,30	26,18
2005	5408797,30	1,11	3165,20	6,00	35,01
2006	6389833,10	1,07	4041,00	11,20	46,64
2007	8991474,80	1,08	5903,50	14,80	46,46
2008	11493260,20	1,10	9555,90	12,40	29,38
2009	11771281,60	1,12	12531,90	14,60	32,31
2010	13023390,00	1,14	16463,70	13,70	52,22
2011	15021321,00	1,15	19500,00	18,80	55,82
2012	13599659,00	1,15	24455,30	14,00	67,74
2013	14322656,30	1,16	30490,10	26,20	60,31
2014	13545748,20	1,14	37646,20	27,00	61,18
2015	12507382,20	1,14	44810,40	27,00	56,23
2016	12094646,30	1,17	51232,00	26,00	45,86
2017	12553738,70	1,19	72155,20	22,00	49,06
2018	13990745,40	1,18	124231,30	27,20	54,03
2019	17458687,70	1,14	195927,34	27,00	47,77
2020	15102281,20	1,14	210195,10	20,50	40,46
2021	16662804,40	1,11	239552,60	20,00	49,69
2022	19293710,30	1,08	266240,00	29,60	49,21

*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ажратиб олинган асосий эндоген ва экзоген о милларнинг боғланиши асосида мамлакатимиз умумий экспорти ҳажмининг ўзгариш трендларини аниқлаш мақсадида юқоридаги вақтли қатор кўринишидаги маълумотлар EViews10 дастуридан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди.

Юқоридаги жадвалда ажратиб олинган натижавий ва таъсир этувчи омил кўрсаткичлари ўлчов бирлигининг бир хил эмаслиги, яъни омил кўрсаткичларининг бир жинсли эмаслиги сабабли асосий тренд моделини чизиқли логарифмик боғланиш кўринишида аниқлаб оламиз.

Бунинг учун, аввало, омил кўрсаткичларининг барчасини натурал логарифмик кўрсаткичларга келтириб оламиз (3-жадвал).

3-жадвал

Умумий экспорт ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг логарифмик қиймати

LnY	LnX_{11}	LnX_{12}	LnX_{13}	LnX_{14}
14,59	0,10	7,19	2,23	3,60
14,91	0,10	7,33	2,01	2,99
15,13	0,13	7,59	1,99	3,06
15,40	0,12	7,87	1,99	3,27

15,50	0,10	8,06	1,79	3,56
15,67	0,07	8,30	2,42	3,84
16,01	0,08	8,68	2,69	3,84
16,26	0,10	9,16	2,52	3,38
16,28	0,11	9,44	2,68	3,48
16,38	0,13	9,71	2,62	3,96
16,52	0,14	9,88	2,93	4,02
16,43	0,14	10,10	2,64	4,22
16,48	0,15	10,33	3,27	4,10
16,42	0,13	10,54	3,30	4,11
16,34	0,13	10,71	3,30	4,03
16,31	0,16	10,84	3,26	3,83
16,35	0,17	11,19	3,09	3,89
16,45	0,17	11,73	3,30	3,99
16,68	0,13	12,19	3,30	3,87
16,53	0,13	12,26	3,02	3,70
16,63	0,10	12,39	3,00	3,91
16,78	0,08	12,49	3,39	3,90

* Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида ишлаб чиқилган

EViews10 дастурий пакетидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган регрессион таҳлил жараёнида аниқланган параметрлар ҳамда моделнинг аҳамияти дастур томонидан ҳисобланган асосий баҳолаш кўрсаткичлари орқали баҳоланган. Регрессион таҳлил натижаларидан кўрилаётган ҳолатни аниқлаш учун регрессион моделнинг коэффициентларини ажратиб олган ҳолда тренднинг чизиқли логарифмик модели шакллантириб олинади.

EViews10 дастурий пакетидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган регрессион таҳлил жараёнида аниқланган параметрлар ҳамда моделнинг аҳамияти дастурда ишлаб чиқилган асосий баҳолаш кўрсаткичлари орқали ҳисоблаб чиқилган (4-жадвал).

Аниқланган маълумотлардан фойдаланган ҳолда мамлакатнинг умумий экспорт ҳажми ва унга таъсир этувчи омиллар таъсирида ўзгаришининг кўп омилли эконометрик модели тузилди. Унга кўра, ушбу жараённи ифодаловчи регрессия тенгламаси тузилди.

$$\ln Y = -0.578 \cdot \ln X_1 + 0,244 \cdot \ln X_2 + 0,073 \cdot \ln X_3 + 0,449 \cdot \ln X_4 + 11,864 \quad (1)$$

Аниқланган чизиқли логарифмик модель потенцирланса, умумий экспорт ҳажмини ифодаловчи чизиқсиз кўринишдаги эконометрик модель келиб чиқади:

4-жадвал

Умумий экспорт ҳажми бўйича танланган омилларнинг боғланиш хусусиятлари ва тузилган омилли модель сифатининг асосий кўрсаткичлари

Dependent Variable: Умумий экспорт ҳажми, $\ln Y_{\text{у}}$

Method: Least Squares

Date: 02/18/24 Time: 17:19

Sample: 2001 2022

Included observations: 22

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
Ички ва ташқи бозорлардаги ўртача нарх паритети, $\ln X_{11}$	-1,578189	2.444654	-0.236511	0.8159
Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми, $\ln X_{12}$	0,243631	0.075109	3.243688	0.0048
Кичик бизнеснинг экспортдаги улуши, $\ln X_{13}$	0,072737	0.297401	0.244575	0.8097
Энг кўп экспорт йўналтирилган 5 та мамлакатнинг умумий экспортдаги улуши, $\ln X_{14}$	0,448864	0.275735	1.627879	0.1219
Тасодифий омиллар умумий таъсири, ϵ	11,86433	0.775298	15.30293	0.0000
R-squared	0.825011	Mean dependent var		16.09318
Adjusted R-squared	0.783837	S.D. dependent var		0.613300
S.E. of regression	0.285144	Akaike info criterion		0.525070
Sum squared resid	1.382219	Schwarz criterion		0.773034
Log likelihood	0.775769	Hannan-Quinn criter.		0.583483
F-statistic	20.03721	Durbin-Watson stat		1.721253
Prob(F-statistic)	0.000003			

*Муаллиф томонидан EViews10 дастурида ҳисоблаш асосида ишлаб чиқилган.

$$Y_{y_3} = \frac{X_2^{0,244} \cdot X_3^{0,073} \cdot X_4^{0,449} \cdot e^{11,864}}{X_1^{0,578}} \quad (2)$$

Дастурий пакетдан фойдаланган ҳолда аниқланган тренд моделлари асосида 2023-2027 йилларда мамлакатимиз умумий экспорти ҳажми ўзгаришининг истиқболдаги қўрсаткичлари ҳамда уларни ҳисоблаш учун энг қулай моделлар рўйхати келтирилди (5-жадвал).

5-жадвал

Умумий экспорт ҳажми ва унга таъсир этувчи омил қўрсаткичларининг тренд моделлари ҳамда 2023-2027-йиллар учун прогноз қўрсаткичлари

Кўрсаткичлар ва уларнинг омилли моделлари	Прогноз қўрсаткичлари				
	2023	2024	2025	2026	2027
Умумий экспорт ҳажми, минг АҚШ доллари $Y_{y_3} = \frac{X_2^{0,244} \cdot X_3^{0,073} \cdot X_4^{0,449} \cdot e^{11,864}}{X_1^{0,578}}$	19532192,8	20047886,6	20541919,7	20920999,4	21401688,2
Ички ва ташқи бозорлардаги ўртача нарх паритети $x_{11} = 0,0018 \cdot t + 1,109$	1,15	1,15	1,15	1,16	1,16

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм $x_{12} = 11109,78 \cdot t - 65237,4$	190287,5	201397,3	212507,1	223616,9	234726,7
Кичик бизнеснинг экспортдаги улуши, % $x_{13} = 1,059 \cdot t + 5,519$	29,9	30,9	32,0	33,1	34,1
Энг кўп экспорт йўналтирилган 5 та мамлакатнинг умумий экспортдаги улуши, % $x_{14} = 1,197 \cdot t + 30,92$	58,4	59,6	60,8	62,0	63,2

* Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Кўп омилли эконометрик моделдан фойдаланган ҳолда умумий экспорт ҳажмининг узоқ муддатда, яъни 2001-2027-йилларда ўзгариши қийматлари график кўринишида ифодаланди (1-расм).



1-расм. Мамлакат умумий экспорти ҳажми кўрсаткичининг 2001-2027-йилларда ўзгариши, минг АҚШ доллари (2023-2027 йиллар прогноз кўрсаткичлари)

* Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Юқоридаги омилли боғланишлар асосида биз томонимиздан умумий экспорт ҳажмига таъсир даражаси юқори, деб топилган кўрсаткичларнинг натижавий кўрсаткичи ҳисобланган умумий экспорт ҳажмига омиллар таъсири асосидаги ривожланиш сценарийси ишлаб чиқилди. Аниқланган трендлардан фойдаланиш умумий экспорт ҳажмига таъсирлар даражасини оптималлаштириш имконини беради.

Кўп омилли боғланиш асосида аниқланган тренд моделлари келгуси даврда соҳа фаолияти асосий кўрсаткичларининг танланган омиллар таъсирида маълум ўринлардаги хатоликларни ҳисобга олган ҳолда ўзгаришини олдиндан прогнозлаш имконини беради. Тадқиқот жараёнида умумий экспорт ҳажмининг ўзгариши 4 та асосий омил таъсирида келгуси давр учун прогноз қийматларни аниқлашда қўл келади.

Юқоридаги ҳисоб-китоблар асосида аниқланган эконометрик моделнинг аҳамияти ва унинг параметрлари сифатини баҳоламасдан туриб, моделдан амалиётда фойдаланиш катта хатоликларнинг юзага келишига олиб келиши мумкин. Шуни

эътиборга олган ҳолда, умумий экспорт ҳажмининг ўзгариш моделини унинг аҳамияти ва модель параметрларининг сифатини баҳолаймиз.


Дастурий пакет асосида амалга оширилган таҳлил натижавий омилнинг таъсир этувчи омиллар билан биргаликдаги корреляцияси $r=0,9083$ га, детерминация коэффициенти $R^2=0,825$ га тенг эканлигини қўрсатмоқда. Бу эса таъсир этувчи омиллар билан натижавий омилнинг юқори зичлиқда корреляцияга эга эканлигини ва ҳисобланган кўрсаткичлар билан реал кўрсаткичлар орасидаги фарқ сифатидаги қолдиқларнинг ҳам зич боғланганлигини қўрсатади.

Жадвалда келтирилган кўрсаткичлар қийматидан фойдаланган ҳолда тузилган эконометрик моделнинг аҳамияти ва параметрлари сифати баҳоланади. Аниқланган моделдаги эндоген омил учун Фишер мезони қиймати 20,04 га тенг бўлиб, унинг аҳамияти 0,000003 га тенг. Бундан кўриниб турибдики, тузилган тренд моделни аҳамияти жиҳатидан амалиётда қўллаш мумкин.

Тузилган эконометрик моделда автокорреляция ёки мультиколлениарлик мавжудлигини аниқлаш имконини берувчи Дарбин-Уотсон (*DW*) мезони 1,72 га тенг бўлиб, оптималь чегара 2,0 атрофида эканлиги ҳисобга олинса, моделда қисман автокорреляция мавжудлиги кўринади. Бироқ ушбу автокорреляция даражаси оптималь чегарадан катта фарқ қилмайди.

EViews10 дастурий пакетидан фойдаланган ҳолда мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда асосий таянч кўрсаткич ҳисобланган экспорт ҳажмининг ± 2 статистик хатолик чегараларида ўзгариши трендини шакллантирамиз ҳамда ушбу тренднинг аҳамиятини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаймиз (2-расм).

2-расмда келтирилган кўрсаткичлар тузилган моделнинг аҳамияти ҳамда адекватлигини акс эттиради. Жумладан, Teil нотенглик коэффициенти 0,0077 га, Teil U2 коэффициенти 1,12 га, Bias нисбати 0 га, вариация нисбати 0,048 га, ковариация нисбати 0,9519 га ҳамда симметрик MAPE 1,1164 га тенг эканлиги тузилган моделнинг зарурий оралиқларда жойлашганлигини қўрсатади. Хусусан, симметрик MAPE учун чегара 10 гача эканлиги ҳисобга олинса, тахминийлик хатолиги даражаси белгиланган чегарадан кичикилигини кўриш мумкин, яъни MAPE: $1,1164 < 10$.



2-расм. Умумий экспорт ҳажмининг 2001-2022-йиллардаги ўзгаришида ± 2 статистик хатолик чегараларида ўзгариши

* Eviews 10 дастури асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Юқоридаги таҳлилий маълумотлар ҳамда кўрсаткичлар қийматларини баҳолаш асосида мамлакат умумий экспортини ривожлантиришда энг муҳим деб топилган мамлакатнинг умумий экспорт ҳажми ва унга омиллар таъсирини ҳисобга олган қуидаги тренд моделини миллий иқтисодиётнинг экспорт даражасини келгуси даврда ривожлантириш стратегиялари асосида сценарийлар ишлаб чиқиш жараёнида қўллаш мумкин.

Eviews 10 дастури асосида ишлаб чиқилган модель ва прогноз кўрсаткичлар мамлакат умумий экспорт ҳажмини келгуси ўрта муддатлар оралиғида ривожлантириш режаларини ва стратегияларини ишлаб чиқиш йўналишида муқобил сценарийларни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қиласди.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакат экспорт салоҳиятини кўп омилли моделлар асосида баҳолаш ва муқобил сценарийлар асосида мақсадли кўрсаткичлари таҳлили натижалари асосида қуидаги хулосалар умумлаштирилди:

1. Мамлакат экспорти ҳажмининг ўзгариш қонунияти (тренд модели)ни кўп омилли эконометрик таҳлил асосида чизиқли бўлмаган модель кўринишида аниқлаш мумкин.

2. Етакчи эксперталари хулосалари бўйича бугунги кунда мамлакат экспорти умумий ҳажмининг ўзгаришига асосий таъсир этувчи омиллар сифатида 5 та муҳим эззоген омиллар: ички ва ташқи бозорлардаги ўртacha нарх паритети, капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми, кичик бизнеснинг экспортдаги улуши, энг кўп экспорт йўналтирилган 5 та мамлакатнинг умумий экспортдаги улуши белгиланди. Ушбу омил кўрсаткичларининг маълум миқдорда ўзгариши (ортиши ёки камайиши) эндоген ўзгарувчининг сезиларли даражада ўзгаришига олиб келади.

3. Натижавий омил (мамлакат умумий экспорти ҳажми)га таъсир этувчи омиллар таъсирини ўзида ифодаловчи тренд моделидаги омил кўрсаткичлар бир жинсли бўлмаганлиги сабабли модель шакли чизиқли бўлмаган модель кўринишида танлаб олинди.

Келтириб ўтилган хулосалар ҳамда (2) – боғланишдан келиб чиқиб, мамлакатимиз умумий экспорти ҳажмини ошириш учун қуидаги йўналишларда фаолиятни ташкил этиш мақсадга мувофиқ:

- мамлакат инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида экспорт йўналишида ташкил этилаётган корхоналар махсус иқтисодий зоналар (кичик саноат зоналари, эркин иқтисодий зоналар ва бошқа.) худудида ташкил этилиши корхоналарнинг барқарор энергетика таъминоти асосида ишлашига ҳамда ички ва ташқи бозорлардаги ўртacha нарх паритетини мувофиқлаштиришга олиб келади;

- инвестиция дастури асосида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда ва тўлиқ амалга оширилиши ҳамда инвестициялар ҳажмининг кўпайиши бевосита экспорт умумий ҳажмининг ортишига тўғри боғланиши билан ҳажм кўрсаткичларини барқарор ошириши мумкин бўлади;

- мамлакатимизда кичик бизнеснинг ривожланиши ва унинг экспортдаги улушининг ошиб бориши билан умумий экспорт ҳажмини жадал ошириш имконини беради;

Юқоридаги таҳлиллар натижаларидан ҳамда улар асосида таклиф этилаётган амалиётда мамлакат умумий экспорти ҳажмини ошириш бўйича тавсиялардан

фойдаланиш келгусида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш имкониятини яратади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли “Ўзбекистон -2030” стратегияси тўғрисида” ги Фармони.
2. Борисов, А.Б. Большой экономический словарь [Электронный ресурс]. – М.: Книжный мир, 1999. – 895 с. – Режим доступа: <https://www.twirpx.com/file/1968962/>. – С.867
3. Новый экономический и юридический словарь: 10 тыс. терминов [Электронный ресурс] / под ред. А.Н. Азрилияна. – М.: Институт новой экономики, 2003. – 1088 с. – Режим доступа: <https://rcsme.ru/index.php/ru/library/show/7896/Новый-экономический-и-юридический-словарь-10-тыс-терминов-под-ред-Азрилияна-АН/>. – Дата обращения: 21.04.2017. – Загл. с экрана.
4. Савинов, Ю.А. Государственная финансовая поддержка экспорта в России [Электронный ресурс] / Ю.А. Савинов, А.Ю. Мигунов // Российский внешнеэкономический рынок. – 2008. – № 5. <https://mgimo.ru/library/publications/55417/>. – С.32
5. Мальцев, А.А. Внешнеэкономические отношения: компромисс интересов или «вотчина» территорий / А.А. Мальцев // Внешняя торговля. – 1998. – № 79. – С. 38-41.
6. Хотамов И.С., Рашидова О.О. Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари экспорти диверсификацияси. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences / 3(3), March, 2023. –Р. 421-429.
7. Анфиногентова А.А., Решетникова Н.В. Прогнозирование российского экспорта продовольствия в условиях неопределенности с использованием метода «затраты-выпуск». //Экономика и управление, 2020. -806-8715.; Карпович Н.В., Макуценя Е.П. Теоретические основы анализа и прогнозирования внешней торговли агропродовольственными товарами. //Экономические вопросы развития сельского хозяйства. -2022//<https://econagro.belal.by/jour/article/download/111/111>

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/1 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масьулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).